

**BUILDERS OF THE FUTURE**

journal homepage:

<https://kelajakbunyodkori.uz/>**BUDDHIST AND TAOIST MOTIFS IN PU SUNGLING'S "LIAO JAI'S STORIES OF MIRACLES"****J. Ziyamukhamedov**

Associate Professor

Tashkent State University of Oriental Studies

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE**Key words:** Liao Jai, Buddhism, Taoism, Confucianism, principle, rule.**Abstract:** The article analyzes the transmission of Buddhist and Taoist motifs in the work of the famous Chinese writer Pu Songling "Tales of the Miracles of Liaozhai" (聊斋志异).**Received:** 02.06.22**Accepted:** 04.06.22**Published:** 06.06.22**ПУ СУНГЛИНГНИНГ “ЛЯО ЖАЙНИНГ ҒАРОЙИБОТЛАР ҲАҚИДАГИ ҲИКОЯЛАРИ” АСАРИДА БУДДАВИЙЛИК ВА ДАОСИЙЛИК МОТИВЛАРИ****Ж. Зиямуҳамедов**

Доцент

Тошкент давлат шарқишунослик университети

Тошкент, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА**Калит сўзлар:** Ляо Жай, буддавийлик, даосийлик, конфуцийлик, тамойил, қоида.**Аннотация:** Мазкур мақолалада машҳур Хитой ёзувчиси Пу Сунглингнинг “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари” (聊斋志异) асарида буддавийлик ва даосийлик мотивларининг берилиши таҳлил қилинган.

БУДДИЙСКИЕ И ДАОССКИЕ МОТИВЫ В «РАССКАЗАХ О ЧУДЕСАХ ЛЯО ЧЖАЯ» ПУ СУНЛИНА**Ж. Зиямухамедов**

Доцент

Ташкентский государственный университет востоковедения

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Ляо Джай, буддизм, даосизм, конфуцианство, принцип, правило.

Аннотация: В статье анализируется передача буддийских и даосских мотивов в произведении известного китайского писателя Пу Сунлина «Рассказы о чудесах Ляоджай» (聊斋志异).

КИРИШ

Буддавийлик (佛教fójiào) эрамизнинг бошларида Хитойга кириб кела бошлади. Маълумки, Хитойда конфуцийлик (儒家rújiā) ва даосийлик (道教dàojiào) азалдан мавжуд бўлиб, буддавийлик улардан анча кейин юзага келди. Будда таълимоти муайян даражада Конфуцийнинг ахлоқий тамойилларига (оиланинг ўрни, императорга сиғиниш) ва даос рухий даволаш усулларига (умрбоқийлик ақидаларини рўёбга чиқариш) зид эди. Буддавийлик жазо назариясини (карма қонуни) ва трансдантал ҳолатга (нирвана) эришиш ҳақидаги таълимотни ривожлантириши билан ўзига хослик касб этади. “Конфуцийчилик инсонларнинг ижтимоий хулқ-атвор қоидаларини, уларнинг ижтимоий вазифаси, жамиятни одилона ва инсоний асосларда ташкил этиш билан боғлиқ ғояларни ишлаб чиққан бўлса, даосийлик табиатга, буддавийлик покланишга чақиради”.

АСОСИЙ ҚИСМ

Хитой адабиётшунослиги қадимдан Конфуций асарлари асосида шаклланиб келган бўлса, кейинчалик кўпгина асарлар буддавийлик ғоялари билан ҳам суғорилган эди. Будда сутраларининг мазмун-моҳияти мумтоз хитой адабиётига доир бир қанча насрий ва назмий асарларда ҳам учрайди. Шу жумладан, Ляо Жай ўзининг мифологик характердаги ҳикоялари орқали буддавийлик, даосийлик ва конфуцийлик анъаналарини ўзаро уйғунлаштириш ҳамда уларнинг моҳиятини қайта баён этиш орқали “халқ динлари ва таълимотлари”нинг диний ва адабий матнлари аналогиясини яратди. Айтмоқчимизки, ёзувчининг новаторлиги ҳар уч таълимот ғояларини ўз асарларида бирлаштира олганида кўринади. Буддавийлик нинг кенг ёйилиши ҳамма жойда кишиларнинг буддавий матнларнинг аниқ таржималарига қизиқиш пайдо бўлишига сабаб бўлди. Шу залда ҳукуматга қарашли таржима ташкилотларига асос солинди. Дастлаб ўша ташкилотларда буддавийларнинг муқаддас ёзувларини таржима қилиш билан хорижлик мутахассислар шуғулланди. Аммо тез орада бу ишни хитойликларнинг ўзлари амалга оширишга киришдилар. Умрининг ўн олти йилини

Ҳиндистон саёҳатиға бағишлаган Фасян (法显, 337-422) ўша даврнинг машҳур хитойлик буддавий роҳибларидан бири эди. У буддавийликка оид энг ишончли матнларни топишга муваффақ бўлади. Фасян саёҳатдан қайтгач, умрининг қолган қисмини ўзи топган матнларни хитой тилига таржима қилиш билан ўтказди. Унинг Ҳиндистонга саёҳати бўйича ёзган ҳисоботида ҳинд жамияти ва ўша даврда ҳиндларнинг дини тўғрисида қимматли маълумотлар бўлган.

Буддавийлик дини Хитойда кенг тарқалиши билан бирга, вақт ўтиши билан даосийлик таъсирида аста-секин ўз мазмун-моҳиятини ўзгартира борди. Буддавийликнинг илдизлари Ҳиндистон ёки Марказий Осиёга бориб тақалади, аммо бу дин даосийликдан ўзлаштириб олинган медитацион жиҳатлари билан тез орада хитойликларга хос хусусиятларга эга бўлди. Хитойдаги “Покиза замин” мазҳабининг майдонга келиб, раванқ топиши хитой буддавийлигининг ёрқин мисолидир. V аср бошларида Марказий Осиё ёки Ҳиндистондан Хитойга келган буддавий роҳиб Бодхидхарма теран медитациянинг қанчалик муҳим эканини таъкидлаган эди. Бодхидхарма таълимоти Чъан буддавийлигининг кейинги юксалиш давларида илҳом манбаи бўлди.

Хитойда буддавийликнинг юзага келиши, табиийки, конфуцийчи расмий шахсларнинг кескин норозиликлари ва нафратига сабаб бўлди. Шундан бўлса керак, улар баъзида буддавийларнинг тинчини ҳам бузиб турдилар. Ўша даврда императорларнинг бир қисми диндор буддистлар бўлган бўлса, бошқалари конфуцийчи эдилар. Бу, айниқса, буддавийлик дини баъзида давлатнинг амалдаги расмий дини саналган, аммо кўп ҳолларда қаттиқ таъқибга учраган Шимолий Вейга хос ҳолат эди.

VI асрнинг ўрталарига келиб, буддавийлик бутун Хитой бўйлаб – ҳукмдор саройларидан тортиб қишлоқларга қадар мустаҳкам ўрнашди. Бу дин шунчалик кенг тарқалиб, оммавийлашиб кетган эдики, Хитой ягона тузум остида бирлашганда, Суй (隋Suí) (581—618) сулоласи асосчиси император Венди (隋文帝Suí wéndì 541-604) буддавийлик ибодатхоналарига ҳомийлик қилиб, буддавийликни бир халқ дини сифатида тарғиб этди ва ўзини буддавий монарх сифатида кўрсатишга бор кучи билан интилди. Буддавийлик хитой жамиятининг ҳамма босқичларида ўз таъсирини кучайтирди. Айнан ўша даврда бу дин Хитой ҳукмрон доиралари орасида кенг тарқали.

Тайцзун ҳукмронлиги даврида таниқли буддист сайёҳ Сюанцзан (玄奘, Xuánzàng), Фасян сингари, Ҳиндистонга саёҳат қилади ва у ердан (орадан 17 йил ўтиб) кўплаб буддавий матнлар (шунингдек, диний ёдгорлик ашёлари ва ҳайкаллар)ни олиб келади. У ҳам Фасян сингари, у ҳам қолган умрини ана шу матнларни хитой тилига таржима қилишга бағишлайди. Сюанцзаннинг таржималари ўша пайтгача қилинган таржималар ичида энг

мукаммали бўлиб, бу шарҳлар хитойликларнинг буддавийлик таълимоти тушунишларига катта ёрдам берди.

Будда ибодатхоналари илк Танг даврида (唐朝Táng cháo) ривожланишдан тўхтамади. Уларга императорлар улкан мулклар, кенг ер майдонлари ажратиб бердилар. Бунинг устига, конфуцийлик Суй даврида бўлгани каби империя ҳукуматининг расмий мафкураси, конфуцийлик матнлари эса расмий имтиҳон топширувчи номзодлар учун асосий манба бўлиб қолди.

Бироқ бир неча асрлик бўлиниш даври мобайнида конфуцийлик ўзининг маърифат воситаси ва ҳукуматнинг расмий мафкураси мақомини сақлаб қола олди. Юқори мартабали давлат хизматчиларининг конфуцийлик фалсафасини яхши билишлари ва, умуман, шахсий қарашларида ҳам, ҳатто ўз шахсий ҳаётларида буддавийлик билан шуғулланганларида ҳам конфуцийчи бўлиб қолишлари тахмин қилинган. Суй ва Танг императорлари ўз маъмуриятларининг садоқатини сақлаб қолиш учун уларнинг ҳам конфуцийчилар, ҳам буддавийларнинг идеал ҳукмдорлари сифатида кўрсатишга бутун кучлари билан интиланлар. Масалан, уларнинг Конфуций битикларини билиш даражалари давлат хизматига қабул қилиш имтиҳонлари чоғида жиддий теширилган.

Буддавийлик Хитойда илк Танг даврида энг юқори чўққисига кўтарилди ва кўп йиллар ҳукмронлигини давом эттирди. Буддавий ибодатхоналар қўл остида бўлган улкан бойликлар пул маблағлари камлигидан азият чекаётган ҳукумат учун ўта сержозиба мақсадга айланди.

841 йилдан 845 йилга қадар буддавийлик миллий миқёсда таъқиб қилинди. Бутун Хитой бўйлаб ибодатхоналарнинг аксарият қисми ёпиб қўйилди. Уларда хизмат қилувчи роҳиблар эса (улардан салкам чорак миллиони) оддий ҳаёт тарзига қайтдилар. Ер-мулклари солиқ регистрларига қайтарилди. Бироқ буддавийлик оддий одамларнинг қалби ва шуурида шу қадар мустаҳкам ўрнашган эдики, уни осонликча йўқотиш имконсиз эди. Буддавийлик XX асрга қадар Хитойдаги шаҳар ва қишлоқларда энг оммавий дин бўлиб қолаверди (шу кунгача сақланган). Дарҳақиқат, мингдан ортиқ жилддан иборат буддавийлик битиклари тўла тўпламининг нашр этилиши нафақат Сун даври тарихи ва Хитой тарихи, ҳатто жаҳон тарихидаги буюк нашр лойиҳаси ҳисобланади.

Конфуцийликнинг янгидан уйғониши билан бир қатор мутафаккирлар конфуцийлик таълимотига янги унсурларни олиб кирдиларки, ҳозирги замон олимлари ушбу фалсафани “неоконфуцийлик” деб атадилар.

Неоконфуцийчи мутафаккирлар буддавийлик ва даосийликдан метафизик ҳамда самовий унсурларни ўзлаштириб олдилар. Натижада конфуцийликни зиёли кишилар инсон қалби ва онгига чуқур таъсир кўрсатиши мумкин бўлган эътиқодлар тизимига айлантиришга муваффақ бўлдилар. Даосийлик ва буддавийликдан фарқли ўлароқ, неоконфуцийликнинг

асосий хусусияти шундаки, инсон мукамалликни бу дунёда – ўз ижтимоий фаолиятида топиши керак. Инсон жамиятдан алоҳида ажралмаган, ундан четда қолмаган ҳолда (даосийлик) ёки уни рад этиб (буддавийлик), жамият ҳаётида тўлиқ иштирок этиш, ўз имконияти ва салоҳиятини рўёбга чиқариши ва “тўғри ҳаёт” кечириши мумкин. Неоконфуцийчилар ўзларини ижтимоий-сиёсий ислохотларга, яъни дунёни мавжуд ҳолатидан кўра янада яхшироқ қилишга, имкон қадар ўз билимини юксалтириб, янада камолотга етказиш ишига бағишлашлари лозим.

Неоконфуцийлик мутафаккирлари ижтимоий-сиёсий ислохотларга, яъни оиланинг жамият пойдевори сифатида қайта тикланиши масаласини уқтириб келганлар. Шунингдек, кишилар давлатнинг ижтимоий таъминот соҳасида ҳам фаоллашиши кераклигини айтишди, шогирдларини бошқаларга раҳм-шафқат кўрсатишга ундашди.

Конфуцийликни қайта тиклашга қаратилган барча уринишлар шу қадар муваффақиятли амалга ошдики, Сунг сулоласи (宋朝 Sòng Cháo) даврида конфуцийлик таълимоти давлат хизматига кириш учун топшириладиган имтиҳонлар тизими учун муҳим аҳамият касб этди. Суй (隋 Suí) ва Танг даврида бўлгани каби жорий юмушлар ва амалий бошқарув билан боғлиқ бошқа масалалар кўтарилмади, бунинг ўрнига имтиҳонлар “мумтоз” конфуцийлик масалалари билан чекланди.

Мўғуллар даври ўзининг диний бағрикенглик хусусияти билан ажралиб турарди. Мўғуллар дастлаб шаманизмни амалда қўлаб кўришди, аммо бу таълимотни ўз қўл остларидаги кишиларга нисбатан жорий қилишга уринишмади. Вақт ўтиши билан улар ўз қўл остларидаги кишиларнинг диний эътиқодларини ўзлаштира бошлаганлар. Ғарбий Осиёда бу исломни англатар, аммо Хитойда конфуцийликдан кўра даосийлик ва буддавийлик устун қўйилган. Даосийликка ҳам, буддавийликка ҳам мўғуллар саройи расмий равишда ҳомийлик қилган – мўғуллар даосистларнинг фолбинликка ва буддавийларнинг ранг-баранг маросимларга урғу беришларини хуш кўришган. Улар кўпроқ тибет буддавийлигини яхши кўрганлар.

Мўғулларнинг конфуцийликка бўлган илк муносабати ақл бовар қилмайдиган нафрат ифодаси эди, бироқ улар бутун Хитойни босиб олганидан сўнг Хубилайхоннинг ўзини Хитойнинг қонуний императори сифатида кўрсатишга қаратилган сиёсати саройда конфуцийлик маросимларини тикланишига олиб келди. Хубилайхон ва унинг баъзи ворислари конфуцийлик маълумотига эга бўлган амалдорларни кадрлаган.

Буддавийлик хитой адабиётига янги услублар, янги бадиий тушунчалар ва янги тақдирларни олиб кирди. Бу ҳол адабий тур ва жанрларнинг шакли ва мазмунида катта ўзгаришларни юзага келтирди. Буддавийлик шаклан оддий шеърят ва оммабоп адабиётлар (шу жумладан, шаҳар адабиёти, машҳур романлар, опералар ва ҳ.к.) яратилишига бевосита

таъсир қилди. Мазмунан одамларнинг беқарорлик ва бўшлиқдан қутқаришга даъват қилди, коинотдаги ўзгаришларни билиш нореал ҳолат эканлигига, саводхонлар учун янги бадий концепция яратиш орқали, кучли романтизмни намоён этишга хизмат қилди. Хитой адабиётида “буддавийлик адабиёти” деган тушунча бор (佛敎文学Fójiào wénxué) ва у буддавийликнинг ривожланиши билан пайдо бўлган адабий асарларни билдиради. “Адабиёт” сўзи кенг ва тор маъноларга эга бўлган. Кенг маънода буддистларнинг барча ҳужжатларини, шу жумладан, жанубий Тхеравададаги муқаддас китобларни, Махаяна ёзувларини, пали ва санскрит тилларида ёзилган асарларни, шунингдек, хитой, тибет, япон, корейс каби турли тиллардаги буддавий ҳужжатларни ўз ичига олади. Тор маънода Сакямуни ва унинг шогирдларининг умрбод дўстлигини намоёйиш этган ёзувларни ва ўзга дунё ҳикояларини, шунингдек, турли этник гуруҳлар томонидан адабий ифодада яратилган буддавий асарларни назарда тутди. Даосийлик одамларни дунё қувончидан баҳраманд бўлишга ундайди, шунинг учун одамлар ўлмас бўлишдан бахтиёр эканликларини таъкидлайди. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар адабий муҳитга ўз таъсирини ўтказиши табиий.

Пу Сунглинг ҳикояларида ҳам даосийлик ва буддавийлик таълимоти ғояларининг бадий талқини сезилади. “Лаошанлик роҳиб” (“劳山道士”) ҳикоясида ўлмас ва абадий оила билан боғлиқ тушунчаларни муҳокама қилади. Ҳикоя қаҳрамони Ван Шенг абадий яшаш сирини билиш умидида узокларга боради, асл мақсади дунёда абадий бахтга интилиш эди. Бу эса буддавийликнинг фаровонлик ва бойлик ғоясидан воз кечишидан кескин фарқ қиларди. Зотан, даосийлик оддий одамларга хизмат қилган бўлса, буддавийлик ўзига хос диний таълимотлар қуршовида қолган таълимот саналади. Яшамоқ ва ўлмоқ, яшамоқ ва меҳнат қилмоқ инсон табиатига хос. Бу инсон табиатан азоб чекишни хоҳламайди. Ўзимни англаш учун қийинчиликларни хоҳлардим, деган кимса ҳам аслида ўзларини алдаган бўлади. Сюан Зангнинг асосий мақсади ҳам азоб-уқубатлардан бутунлай қутулиш эди.

Пу Сунглинг Конфуцийнинг ҳаётдаги барча нарсаларга, айниқса, одамларга муҳаббат ҳақидаги эзгу фикрини, шунингдек, буддавийликнинг раҳмдиллик ва озод бўлиш ғоясини ўз асарлари мазмунига сингдирди. Ўз салафларининг шунга ўхшаш мавзуларидан, хусусан, озодлик мавзуси намуналаридан самарали сабоқ олди ва қайта туғилиш ҳақидаги машҳур эътиқоддан таъсирланди. Шулар асосида ўзининг ажойиб асарларини ёзди. Пу Сунглинг сўзларига кўра, бутун жонли ва жонсиз мавжудотдан инсон кўнгли тўлмаса-да, барибир, “тўзаллик, яхлитлик ва барқарорликни ифодаловчи – фаровон жамиятни орзу қилиши керак. Зеро, уйғунлик, инсонлараро ҳурмат ва муҳаббат ҳаётга кўрк бағишлайди.

Ляо Жай ҳикояларида яққол буддавийлик, даосийлик ёки конфуцийлик маросимларининг турли кўринишларига тўғридан-тўғри таяниш ҳолатлари учрайди, шунинг

учун ҳам бу матнларни буддапарастлик, даосийпарастлик ёки конфуцийпарастлик қисмларига ажратиш мумкин. Пу Сунглинг ўз асарларида даос ва будда таълимоти анъаналарига тенг мурожаат қилади. Мазкур дин ва таълимотлар анъаналари ва одатларига оид унсурлардан ўз асарларида етарлича фойдаланади. Ҳикоялардаги даос роҳиблари билан кечган воқеалар баёнида у “руҳоний”, яъни “道” ёки “道士” атамаларини, будда роҳиблари билан боғлиқ ҳикояларда “роҳиб” “僧” ёки “僧术” атамаларини қўллайди. Биз фойдаланаётган Сунь Тунхай муҳаррирлигида остида нашр қилинган “Ляо Жайнинг ғаройиботлар ҳақидаги ҳикоялари тўпламига (“聊斋志异故事集”) кирган 497 та ҳикоядан юздан ортиғида будда ва даос роҳибларининг образи бор ва уларнинг мазмунида диний таълимотлар ақидалари акс топган. Статистикага кўра, йигирмага яқин ҳикоя сарлавҳасида диний-эътиқодий атамалар қўлланган.

Пу Сунглинг “жигуай сяшо” (志怪小说) анъаналарини давом эттиради ва уларни ўрганишда турли диний йўналишлардаги қоидаларни четлаб ўта оладиган янги имкониятларни таклиф қилади. Ёзувчи ҳикояларида биргина арвоҳ образининг кўп учрашини буддавийлик ва даосийликнинг элементларидан бирига кўшиш мумкин. Арвоҳ – аксарият ҳолатларда аввалдан мавжуд қарашлар ва одатлардан шаклланган сирли тушунча бўлиб, моҳиятан турли ахлоқий-диний қарашлар билан уйғунлаша олади. Адиб асарларида арвоҳларга айланиш, арвоҳ кўринишида пайдо бўлиш ёки ғойиб бўлиб қолиш каби ҳолатлар кўп учрайди. Маълумот ўрнида айтиб ўтиш лозимки, ҳатто ҳозирги кунда ХХРда Пу Сунглинг ёки Ляо Жай номи тилга олинса, одамлар онгида “арвоҳ” ва “руҳлар” образи пайдо бўлади. Ҳозирги замонавий Хитойда ва хитой адабиётида ёзувчи исми ва таҳаллуси руҳлар билан ассоциатив равишда параллел юради. Пу Сунглинг ўз асарларида буддавийлик тамойиллари инсонларнинг ташвишлардан бутунлай халос бўлишга, майда-чуйда нарсалардан завқ олишга ёки ташвишларни унутишга ёрдам берувчи омиллар сифатида қўлланади. Ҳикоялар буддавийликнинг беш асосий тамойилларидан азобланиш инсонларда оғриқ, ташвиш ва ноқулайликларни келтириб чиқарувчи бош омил эканидан ҳеч бир инсон ҳимояланмаганлиги, жавобгарлик ҳисси, ҳаётнинг ўзгарувчанлиги, алоҳида “мен” тушунчасининг бўлмаслиги кераклиги, севгининг қувонч ва яхши ният эканлиги каби ғоялар билан йўғрилган.

ХУЛОСА

Пу Сунглинг ўз асарлари мазмунига барча ижтимоий табақалар тутган эътиқод ва хурофотларни (буддавийлик ва даосийлик эътиқодлар назарда тутилмоқда) сингдириб юборади. Масалан, “Қора чигиртка” ҳикоясида башоратларга ишонч кундалик ҳаётнинг бир қисми, ўз фаолиятини режалаштиришдаги асосий воқеа сифатида келади. Иккала дунё ҳам бир хил жисмоний қонунлар билан боғланган, фақат тирик оламдан бошқа дунёга туман

орқали кўчиш мумкин. Бундай эътиқод тасвири буддавий ақидаларга хосдир. Пу Сунглинг асарларининг сюжети, тузилиши ва уларда акс этган адабий-ижтимоий ғоялар XVII аср охири – XVIII аср бошлари хитой адабиётида том маънода янгилик бўлди. Адибнинг босқинчи манжур – Чинг монархияси даврида Хитойда ҳукм сурган шафқатсиз цензура шароитида яратилган асарлари ушбу давр хитой халқи ҳаётининг ҳаққоний манзарасини намоён қилади. Умуман, ўрта асрлар хитой адабиётининг ғоявий йўналиши конфуцийчилик, даосийлик ва буддавийлик каби диний-фалсафий таълимотларга асосланади. Жумладан, Пу Сунглинг асарларида бу таълимотлардан бирига, баъзи асарларда ҳар иккисига ёхуд учаласига хос ғояларни учратиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. 孙通海。聊斋志异故事集。—北京：学苑出版社，2001。
2. Саидазимова У. XVII–XVIII асрлар корейс насрининг маънавий-эстетик концепциялари: филол. фан. д-ри. дисс. автореф. – Тошкент, 2018.
3. Barrett T.H. Buddhism, Taoism and the eighth-century Chinese term for Christianity: a response to recent work by A. Forte and others // Bulletin of the School of Oriental and African Studies. T.65. №3. – London: University of London 2002. – P.555-560.
4. Liao Jayning g'aroyibotlar haqidagi hikoyalari. Tarjimon: J.Ziyamuhamedov; mas'ul muharrir Yorqin Odilov. –Toshkent, 2021.
5. Зиямухамедов, Д. Т. (2021). Вопросы передачи национального характера в переводах с китайского языка. *тельность всем коллегам, принявшим участие в рецензировании статей сборника: МЮ Авдониной, СР Агабабян, ВМ Бухарову, ГМ Василь*, 86.
6. Зиямухамедов, Д. Т. (2021). ПУ СУНГЛИНГ НОВЕЛЛАЛАРИДА ҒАЙРИТАБИИЙЛИК УНСУРИНИНГ ИФОДАСИ. *МЕЖДУНАРОДНЫЙ ЖУРНАЛ ИСКУССТВО СЛОВА*, 4(2).
7. Karimova, N., Sadibekova, B., & Usmonova, S. (2021). The Roads of Central Asia-to the History of Buddhism. *TJE-Tematics journal of Education*, 6.
8. Ziyamukhamedov, J. (2022). PU Sungling's Creative Legacy as a Classic Example of Medieval Chinese Literature. *International Journal of Early Childhood Special Education*, 14(1).
9. Usmanova, S., & Rikhsiyeva, G. (2017). Intercultural Communication. *Tashkent State Institute of Oriental Studies*.
10. Зиямухамедов, Д. Т. (2021). КОНЦЕПЦИЯ ОБЩЕСТВА И ЧЕЛОВЕКА В НОВЕЛЛАХ ПУ СУНЛИНА. *Социосфера*, (3), 23-31.